

**Мавзу.**

**Пул муомаласи ва инфляция.**

**Кредит – банк тизими ва унинг бозор  
иктисодиётидаги роли**

# РЕЖА:

1. Пул муомаласи ва унинг амал қилиш қонуниятлари. Пулга бўлган талаб ва пул таклифи
2. Инфляция, унинг моҳияти ва турлари
3. Кредитнинг моҳияти, манбалари ва вазифалари
4. Банк тизими. Марказий ва тижорат банклар ҳамда уларнинг вазифалари

***Пул муомаласи - бу товарлар  
айланишига ҳамда нотовар  
характеридаги тўловлар ва  
ҳисобларга хизмат қилувчи нақд  
пуллар ва унга тенглаштирилган  
активларнинг ҳаракатидир.***

# Муомала учун зарур бўлган пул миқдори

$$P_m = \frac{T_b - X_k + X_T}{A_T}; \text{ бунда}$$

$P_m$  - муайян даврда муомала учун зарур бўлган пул  
бирлиги миқдори;

$T_b$  - сотилиши лозим бўлган товарлар нархи суммаси;

$X_k$  - ҳақи сотиш давридан бошқа вақтда тўланадиган  
товарлар нархи суммаси;

$X_T$  - ҳақини тўлаш муддати келган товарлар нархи  
суммаси;

$A_T$  - пулнинг айланиш тезлиги.

# Нақд пуллар

```
graph TD; A[Нақд пуллар] --> B[Банк билетлари]; A --> C[Металл тангалар (пул билетлари)];
```

Банк билетлари

Металл тангалар (пул билетлари)

**Кредит пуллар**  
(нақд пулсиз ҳисоблар)

Чеклар

Кредит карточкалари

Векселлар

Аккредитивлар

Тўлов талабномалари

Ўзбекистонда умумий пул миқдорини ҳисоблаш учун қўлланиладиган **пул агрегатлари**.

**M0** = нақд пуллар

**M1** = M0 + ҳисоб варақларидаги пул қолдиқлари + маҳаллий бюджет маблағлари + бюджет, жамоат ва бошқа ташкилот маблағлари

**M2** = M1 + банклардаги муддатли омонатлар

**M3** = M2 + чиқарилган сертификатлар + аниқ мақсадли заём облигациялари + давлат заём облигациялари + хазина мажбуриятлари

**Инфляция** – бу пул айланиш каналларининг ортикча пул массаси билан тўлиб кетиши оқибатида нархлар ўртача (умумий) даражасининг кўтарилиб боришини ва натижада миллий пул бирлигининг қадрсизланишини англатади.

## **Инфляция намоён бўлади:**

→ Товар (хизмат)ларнинг мавжуд таклифига нисбатан муомаладаги нақд пуллар ёки молиявий активлар ҳажмининг ҳаддан ташқари ортиб кетишида;

→ Пулнинг сотиб олиш лаёқатининг пасайиб бориши

→ Нархларнинг узок муддатли умумий ўсишида



**Банк** – мамлакатда бўш турган пул маблағларини жамлаб, уни зарурий соҳаларга тарқатиш ҳуқуқини олган молиявий ташкилот

**Банклар** – жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози давом этаётган вақтда мамлакатнинг энг муҳим ва самарали ишлайдиган молиявий институти бўлиб қолади.



Мамлакатда пул – кредит  
сиёсатини олиб боришда вакил  
сифатида иштирок этиши

Пул маблағлари молиявий бозор  
олди-сотдисиди воситачи бўлиб  
иштирок этиши

## Банкнинг аҳамияти

Жисмоний ва юридик шахсларнинг  
бўш пул маблағларини турли  
хавф-хатарлардан ҳимоя қилиши

Корхона ва ташкилотларни пул  
маблағлари билан таъминлаш ва  
сақланиши

Мижозлар талаби асосида кредит  
маблағлари билан таъминлаши

Муомалага махсус товар,  
пулни ишлаб чиқариши

# Банк ишини янада такомиллаштириш йўллари



## Бўш турган маблағларни тижорат банкларига жалб қилишни рағбатлантириш йўллари

Банкларга олиб келинган депозитлар манбаси тўғрисида ахборотни талаб қилинмаслиги

Депозитларни биринчи талаб асосида қайтариб берилиши

Жисмоний шахсларни депозитга қўйган пул маблағларини солиқлардан озод қилиниши

Фуқароларни банкларга қўйган пул маблағларининг чегараланмаган миқдорда қайтаришни кафолатланиши

Депозит эгаларига манфаат келтирувчи фоиз ставкаларини ўрнатилиши

Кредит ресурсларининг асосий манбалари қуйидагилардан иборат:

I Корхоналарнинг банкдаги ҳисобларидаги амортизация ажратмалари.

II. Маҳсулот сотишдан олинган пул тушумлари.

III. Маҳсулот сотишдан олинган пул тушумлари.

IV. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондлари, моддий рағбатлантириш фондлари.

V. Корхоналар фойдаси. Улар давлат бюджети ва кредит тизими билан ҳисоб-китоб қилингунча, шунингдек унинг тегишли қисми корхона эҳтиёжлари учун фойдалангунча банкдаги ҳисобларида сақланади.

VI. Банкдаги бюджет муассасалари, касаба уюшмалари ва бошқа ижтимоий ташкилотларнинг жорий пул ресурслари.

VII. Аҳолининг бўш пул маблағлари